МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИ: УНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

Т.Т.МАДУМАРОВ

В статье рассматриваются юридические вопросы, касающиеся микрокредитных организаций, и порядок их реорганизации и ликвидации.

The article discusses the legal matters concerning the micro credit organizations and the rules of their reorganization.

Микрокредит ташкилоти микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахсдир.

Микрокредит ташкилоти ҳам юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахс сифатида микрокредит ташкилоти фойда олишни кўзлаб фаолият олиб боради. Зеро, у томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳар доим ҳақ эвазига амалга оширилади. Масалан, ФКнинг 744-моддасига мувофиқ, қарз олувчи олинган кредит суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Олинган фоиз эса ўз-ўзидан микрокредит ташкилоти оладиган фойда ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан микрокредит ташкилотини тижоратчи юридик шахслар туркумига киритиш мумкин.

Юридик шахснинг ташкилий бирлиги унинг таъсис ҳужжатлари: устав, таъсис шартномаси ёки алоҳида турдаги фаолиятни ташкил этиш тўғрисидаги умумий низом (масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги “Холдинглар тўғрисида”ги Низоми), ёки бу турдаги юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланади [1.98].

Микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақли.

Микрокредит ташкилоти ишлаб чиқариш,суғурта, савдо-воситачилик ва ушбу қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

Бундан ташқари микрокредит ташкилоти:

- микрокредитлар ва микроқарзлар бериши;
- қарз мажбуриятини сотиб олиш ва сотиши (факторинг);
- микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг(молия ижараси);
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериши;
- микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти қарз мажбуриятларини чиқаришга ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар (депозитлар) қабул қилишга ҳақли эмас.

Микрокредит – қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, мудатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир.

Микромолиялаш – микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек, микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш фаолиятидир.

Микрокредит – қарз олувчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муаян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида (мақсадли микрокредит) берилиши мумкин.

Микроқарз – микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартнома назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шарти асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир.

Микролизинг – микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг оувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизматдир [2.5-6].

Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун, лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Микрокредит ташкилоти фаолиятининг муҳим масалаларидан бири – бу ташкилотни қайта ташкил этиш ва уни тугатишдир. Қайд этиш лозимки, ҳар иккала ҳолатда ҳам микроркедит ташкилотининг фаолияти бекор бўлади. Лекин бу ўринда фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Маълумки, қайта ташкил этиш – бу аввалги ташкилотга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа ташкилотга ўтказилган ҳолда унинг фаолиятини бекор қилишдир. Бундай ҳолларда ташкилотнинг ташкилий тузилиши, ташкилот мулки, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, фирма номи ва бошқалар янги ташкил топган ҳуқуқ субъектига ўтади [3.120-122].

Ташкилотни тугатиш – янги ташкилот тузмаган ҳамда ҳуқуқий ворислик тартибида ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа ташкилотга ўтказмаган ҳолда фаолиятини тугатиш демакдир. Бундай ҳолларда тугатилаётган ташкилотнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари умуман бекор бўлади [4.43].

“Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, микрокредит ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Яъни, ФКнинг 49-моддасига асосан, қайта ташкил этилади ва 53-57-моддасида белгиланган қоидалар асосида микрокредит ташкилоти тугатилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, микрокредит ташкилотларининг юридик шахс сифатида қуйидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- микрокредит ташкилотларининг ҳуқуқ лаёқати – муайян соҳага йўналтирилган, қатъий чекланган ва фаолият чегаралари белгиланган махсус лаёқатдир;

- юридик шахсларнинг ташкил топиши ва фаолияти улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг амал қилиши қоидаси микрокредит ташкилотларида тўлиқ амал қилмайди, бинобарин, микрокредит ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ташкил топган деб ҳисобланса, фаолияти улар белгиланган тартибда лицензия олгандан кейин бошланади;

- микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар суммаси ва ҳажмига нисбатан аниқ ва қатъий чегарада белгиланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм). Адлия вазирлиги.-Т.: “Vektor-Press”, 2010. - Б.98

2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Микрокредит ташкилотлари тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон,2006.- Б.5-6.

3. Гражданское право. Учебник. Часть II. / Под. Ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого.- М.: Проспект, 1998. – С.120-122.

4. Нуриддинова Ш. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари.- Т.:ТДЮИ, 2007.- Б.43.

ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,
2012 йил 28 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Рўзиев)